

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ИМОМОВ ШУХРАТ БОЙМАМАТОВИЧ**

**СИНХРОН АЙЛАНУВЧИ ЯССИ ҚУЁШ НУРЛАНИШ  
РЕФЛЕКТОРЛАРИ ВА ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИССИҚЛИК  
ЖАМЛОВЧИ ҚУРИЛМАЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ИНСОЛЯЦИОН  
ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши–2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Имомов Шухрат Боймаматович**

Синхронанланувчияссикуёшнурланишрефлекторларивақискамуддатлииссиқл  
икжамловчиқурилмаларгаэгабўлганинсоляциониситиштизимлари.. .

.....3

**Имомов Шухрат Боймаматович**

Инсоляционные системы отопления с синхронно вращающимися плоскими  
рефлекторами солнечного излучения и краткосрочными аккумуляторами  
тепла. .... 19

**Imomov Shukhrat Boymamatovich**

Insulation heating systems with synchronously rotating flat reflectors  
of solar radiation and short-term heat accumulators.....35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....39

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ИМОМОВ ШУХРАТ БОЙМАМАТОВИЧ**

**СИНХРОН АЙЛАНУВЧИ ЯССИ ҚУЁШ НУРЛАНИШ  
РЕФЛЕКТОРЛАРИ ВА ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИССИҚЛИК  
ЖАМЛОВЧИ ҚУРИЛМАЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ИНСОЛЯЦИОН  
ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши– 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2016.2.Т.679 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзР ФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.qmii.uz](http://www.qmii.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Авезов Раббанақул Раҳманович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Рахимов Рустам Хақимович техника фанлари доктори Садуллаев Насулло Нейматович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	ЎзР ФА Қуёш энергияси Халқаро институти

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» июнь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 224-02-89, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 7 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 224-02-89, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei\_info@edu.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил «9» июнь куни тарқатилди.  
(2021 йил «  » июндаги №    рақамли реестр баённомаси).

  
Ғ.Н. Узоқов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор  
Х.А. Давлонов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д. (PhD)  
Б. Уришев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси,  
т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда турар-жой биноларининг иссиқлик таъминоти тизимларида энергия ва ресурстежамкор қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш қурилмаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида энергия ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган энергия манбалари ҳиссасини камида 20% га ошириш кераклигини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, биноларни иситиш тизимида ёқилғи-энергия ресурсларини тежайдиган инсоляцион массив қуёш иситиш қурилмаларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан биноларни иситиш тизимида синхрон айланувчи ясси қуёш нурланиш рефлекторлари ва иссиқлик жамловчи қурилмалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда бино ва иншоотларни иссиқлик таъминоти тизимлари учун такомиллашган массив ва актив қуёш иссиқлик қурилмаларининг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ясси қуёш нурланиш рефлекторлари ва қисқа муддатли иссиқлик жамловчи қурилмаларга эга бўлган инсоляцион иситиш тизимларини яратиш, иссиқлик-техникавий ва гидродинамик параметрларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда бино ва иншоотларнинг иссиқлик таъминоти тизимларида энергия сарфини камайтириш, ёқилғи ресурсларни тежаш, юқори иш унумига эга ясси қуёш рефлекторлари ва қисқа муддатли иссиқлик жамлагичлар асосида барқарор иссиқлик таъминотини йўлга қўйиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...иқтисодиётнинг ресурс ва энергия ҳажмдорлигини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ясси қуёш рефлекторлари ва иссиқлик жамлагич қурилмаларига эга бўлган инсоляцион иситиш тизимларини яратишнинг илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқиш, уларнинг энергия ва ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган параметрларини асослаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда

<sup>1</sup><https://ec.europa.eu/programmies/horizon2020/>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш, нанотехнологиялар, фотоника ва бошқа замонавий илфортехнологиялар асосида қурилмалар ва технологияларни яратиш» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Биноларнинг иссиқлик таъминотида муқобил энергия манбалари асосидаги қурилма ва тизимлардан фойдаланиш, қуёш иситиш тизимларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан хорижда Ф.У. Хатчинсон, Е. Мазриа, Б. Андерсон, (АҚШ), Р.Б. Байрамов, К.Тойлиев (Туркменистон), М. Аширбаев (Қозоғистон), А.Дэвис, С.В. Зоколей, Р. Шуберт, О.С.Попель (Россия), П.Р. Сабади (Англия), С.Танака, Р. Суда (Япония) шуғулланишган.

Республикада қуёш энергиясидан фойдаланишга асосланган инсоляцион иситиш тизимларини яратиш ва уларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар Р.А.Захидов, Р.Р.Авезов, Ш.И.Кличев, А.Абдурахмонов, Н.Р.Авезова, Б.Э.Хайриддинов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган қуёш қурилмалари қайта тикланадиган энергия манбаларига асосланган иссиқлик таъминоти тизимларида муайян даражада фойдаланилиб келинаётган бўлсада, аммо ясси қуёш нурланиш рефлекторлари ва қисқа муддатли иссиқлик жамловчи қурилмаларга эга бўлган инсоляцион иситиш тизимларининг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Физика-техника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №2Ф.3.2-«Бинолардаги қуёш инсоляцион иситиш тизимларининг ҳарорат майдони ва нурланишни қисман ютувчи шаффоф тўсиқлар орқали иссиқлик узатиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** синхрон айланувчи ясси қуёш нурланиш рефлекторлари ва қисқа муддатли иссиқлик жамловчи қурилмаларга эга бўлган инсоляцион иситиш тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бинонинг шимол томонига ўрнатилган ясси қуёш рефлекторлари тизимининг сояланиш режимини тадқиқ этиш;

инсоляцион тизим ёрдамида иситиладиган бинонинг шимол томонига ўрнатилган «ясси қуёш рефлекторлари-вертикал нур қабул қилгич» тизимининг иссиқлик самарадорлигини аниқлаш;

қисқа муддатли иссиқлик жамлагичининг гранулометрик ва гидродинамик хусусиятларини тадқиқ этиш;

бинонинг шимол томонида ўрнатилган ясси қуёш рефлекторли инсоляцион иситиш тизими ёрдамида иситиладиган бинонинг иссиқлик режимини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бинонинг шимол томонига ўрнатиладиган ясси қуёш нурланиш рефлекторлари ва иссиқлик жамлагичга эга инсоляцион қуёш иситиш тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** синхрон айланувчи ясси қуёш рефлекторларига эга бўлган инсоляцион иситиш тизимларининг иссиқлик самарадорлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида геометрик оптика ва қуёш энергиясини иссиқликка айлантириш, математик моделлаштириш ва иссиқлик-техникавий ҳисоб ва тажриба усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қуёш ҳаракатига мос равишда синхрон айланувчи ясси қуёш нурланиш рефлекторли, қуёш ҳаво иситгич ва иссиқлик жамлагичга эга бўлган энергия тежамкор қуёш иситиш қурилмаси ишлаб чиқилган;

ташқи ҳаво ҳарорати, қуёш радиацияси, инсоляция давомийлиги каби параметрларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда «ясси рефлекторлар-қуёш ҳаво иситгич-иссиқлик жамлагич-бино» тизимининг иссиқлик ва радиация режими асосланган;

ташқи ҳаво ҳарорати, қуёш радиацияси, иссиқлик қуввати ва ҳажмий иссиқлик бериш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда «қуёш ҳаво иситгич-иссиқлик жамлагич» тизимининг динамик режимдаги иссиқлик баланси ишлаб чиқилган;

синхрон айланувчи ясси қуёш нурланиш рефлекторининг қуёш ҳаракати ва сояланишга боғлиқ бўлган, бинога нисбатан ўрнатиладиган энг қисқа масофаси, сони ҳамда оралиқ масофаларини оптимал ўлчамлари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ясси қуёш рефлекторлари бинонинг шимол томонига ўрнатилган иссиқлик жамлагичли инсоляцион иситиш тизими ишлаб чиқилган;

ясси рефлекторли инсоляцион иситиш тизими биноларда қўлланилганда иссиқлик таъминоти тизимининг энергетик самарадорлиги ортиши ва ёқилғи-энергия ресурслари сарфи камайиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий тадқиқот изланишларининг замонавий усуллар ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тажриба натижаларига геометрик оптика ва қуёш энергиясини иссиқликка айлантириш усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва тажриба тадқиқотларининг ўзаро адекватлиги, инсоляцион иссиқлик таъминоти тизимининг синов натижаларининг ижобийлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти** «синхрон айланувчи ясси қуёш рефлекторлари – вертикал, шимолга йўналтирилган нур қабул қилгич» тизимининг энергия тежамкорлиги ва ишлаш самарадорлигини таъминловчи параметрларининг илмий асосланганлиги ҳамда олинган иссиқлик модели ва ҳисоблаш методикасини бошқа шунга ўхшаш гелиотехник қурилмаларнинг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган инсоляцион иситиш тизими биноларни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаши ва бунда ёқилғи-энергия ресурслари харажатларини камайтириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Синхрон айланувчи ясси қуёш нурланиш рефлекторли ва қисқа муддатли иссиқлик жамловчи қурилмаларга эга бўлган инсоляцион қуёш иситиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синхрон айланувчи ясси қуёш нурланиш рефлекторлари ва иссиқлик жамловчи қурилмаларга эга энергия тежамкор қуёш иситиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 05/034-4336-сон маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё вилояти иқлим шароитида бир иситиш мавсумида 58% гача табиий газ ёқилғисини тежашга эришилган;

ташқи ҳаво параметрлари ўзгариш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда «ясси рефлекторлар-қуёш ҳаво иситгич-иссиқлик жамлагич-бино» тизимининг иссиқлик ва радиация режими асосланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 05/034-4336-сон маълумотномаси). Натижада, иситиш мавсумида бинони иссиқлик юқламасининг 50% қисмини қуёш энергияси ҳисобидан қоплаш имконияти яратилган;

синхрон айланувчи ясси қуёш нурланиш рефлекторли қурилманинг қуёш ҳаракати ва бинога нисбатан сояланишига боғлиқ оптимал параметрлари асосланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 05/034-4336-сон маълумотномаси). Натижада, шимолий нур қабул қилгич орқали иситиш мавсуми давомида ўртача 3,5-5,0 марта кўп қуёш энергиясини тўплаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этган.



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ясси рефлекторлар ва иссиқлик жамлагичдан фойдаланиладиган қуёш иситиш тизими**» деб номланган биринчи бобида қуёш иситиш тизимида ясси рефлекторларни қўллаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳолати, конструктив ечимлар таҳлили натижалари келтирилган. Ишлаб чиқилган тизимнинг ютуқ ва камчиликлари аниқланган. Республикамизда қуёш рефлекторлари бўйича илмий тадқиқот ҳолатлари қисқача хулосаланган. Ясси рефлекторларнинг конструктив ечимлари ва уларнинг асосий белгилари келтирилган.


Диссертациянинг «**Бинонинг шимолий томонида ўрнатилган ясси рефлекторлар тизими**» деб номланган иккинчи боби тадқиқот ишлари бинонинг шимолий томонига ўрнатиладиган ясси рефлекторлар тизимининг сояланиш режими ҳамда уларнинг сояланиш геометрияси, радиация ва иссиқлик самарадорлигига бағишланади. Ясси рефлекторлар тизимини бинонинг шимолий томонига ўрнатиш рефлекторларни ўзаро жойлаштириш ва бинонинг уларга соя бериши каби муаммоларни келтириб чиқаради ва уларнинг ўзаро сояланиш геометриясини аниқлаш масаласини кўндаланг қўяди. Бундай масалани ечиш рефлекторларнинг сояланишини минималлаштириш имконини беради. Сояланиш режимини график усулда ҳисоблаш қулайроқ<sup>3</sup>.

График усул қуёш ҳаракатига мос равишда бино сояси изини аниқлаш учун стереографик диаграммадан фойдаланишга асосланган (1-расм). Ушбу расмда қуёшнинг бинога соя кўланкасини тушиш траекторияси келтирилган. Диаграммада қуёшнинг 21/ХII даги траекторияси кўрсатилган. Таққослаш мақсадида, қуёшнинг 20/Х ва 20/III даги траекториялари ҳам келтирилган.


2-расмдан кўринадики, 21/ХII да чап рефлекторда сояланиш юз бермайди. Марказий рефлекторда сояланиш соат 8.15 да бошланади ва 8.44 да тугайди, бошқа вақтларда сояланиш юз бермайди. Ўнг рефлекторда қуёш чиқиши билан сояланиш бошланиб, соат 8.44 гача давом этади. Кейинчалик сояланиш юз бермайди. Бинони  $A_{o1}=35^{\circ}$  ( $B_n$ );  $A_{o2} = -35^{\circ}$  ( $B_n$ ) секторда жойлаштириш орқали рефлекторларнинг бинога нисбатан тўлиқ сояланмаслигини таъминлаш мумкин экан.

---

<sup>3</sup>Заколей С. Солнечная энергия и строительство. -М.: Стройиздат, 1979, -232 с., 55. Маркус Г. А. Здания, климат и энергия. -Л.: Гидрометеоздат, 1985, -542 с.



*a* – Куёш траекторияси; *b* – бинонинг 21/ХІІ да *O-O* ва *O<sub>1</sub>-O<sub>1</sub>* бўйича соя изи;  
*1<sub>л</sub>*, *1*, *1<sub>п</sub>* – рефлекторларнинг сояланиш секторлари  
**1-расм. Бино соя кўланкаси ва куёш траекторияси диаграммаси**



1 - 1, 2 - 1л, 3 - 1п рефлекторлар  
**2-расм. 21/ХІІ да рефлекторнинг юзасига тўғри тушувчи куёш радиацияси Спд интенсивлиги**

Сояланиш режими билан рефлекторлар тизимининг иссиқлик самарадорлиги, иссиқлик баланси, радиация ва ҳарорат режимларини аниқлаш мумкин. Рефлекторларнинг радиация режимини геометрик оптика усулида аниқлаш мумкин. Иситиш мавсуми учун ясси рефлекторлар текислигининг бино билан сояланмаслик шартида нур қабул қилгичдан рефлекторлар текислигигача бўлган масофа  $L_o=5,2$  метрни ташкил этади. Ясси рефлекторлар иссиқлик самарадорлигини аниқлаш учун

$$\eta = S_{np} / S_{nd} = R K \mu; \mu = F_c / F_p. \quad (1)$$

муносабат келтирилган ва бу ерда  $S_{np}$  – нур қабул қилгичдан ўтувчи тўғри куёш радиацияси оқими;  $S_{nd}$  – рефлекторлар юзасига тушувчи тўғри куёш радиацияси оқими;  $F_c$  – нур қабул қилгичга тушувчи куёш доғи майдони,  $m^2$ . Рефлекторлар текислигининг бинога нисбатан сояланмаслик шартларида ўтказилган ҳисоб ишлари кўрсатишича, куёш Азимутининг оптимал қиймати  $A_{onm}=60^\circ$  га тенг.  $L_o=5,2m$  да  $L_l=2,7m$ ;  $I_l=I_n=27,8^\circ$ ;  $d_{cn}=0,003m$ ;  $d_p=0,004m$ ;  $k=18 m^{-1}$ ;  $\rho_r=0,92$ ;  $n=1,526$ ;  $K_{nm}=0,86$ . Жанубий нур қабул қилгич юзаси майдони  $F_{cn}$  га тушадиган йиғинди радиацияни  $3F_{cn}$  гача ошириб, шимолий нур қабул қилгич майдонига тушадиган йиғинди радиацияга қиёсласак,

$$n_1 = Q_{npp} / Q_{np1\phi} = 2,58 \dots 3,39; \quad n_3 = Q_{npp} / Q_{np3\phi} = 1,08 \dots 1,13. \quad (2)$$

Бундан кўринадики, шимолий нур қабул қилгич орқали тушадиган куёш радиацияси уч рефлекторлар юзаларига эквивалент бўлган жанубий нур қабул қилгичдан тушадиган куёш радиациясидан кўпроқ экан.

Диссертациянинг «**Бинонинг шимолий томонига ўрнатилган ясси рефлекторли ва сувли иссиқлик жамлагичли қуёшли иситиш тизими**» мавзусидаги учинчи бобида бино+рефлекторлар тизимининг иссиқлик балансининг ҳисобий тадқиқот натижалари, ясси рефлекторлардан шимолий нур қабул қилгич орқали юқори зичликдаги қуёш радиацияси тушиши натижасида бинода қулай радиация ва иссиқлик режими билан таъминланиши мумкинлиги кўрсатилган. Бинони юқори интенсивликдаги қуёш нурларидан ҳимоялаш мақсадида шимолий нур қабул қилгич олдида экранловчи қуёш коллектори (ҚК) – ҳавоқиздиргич ўрнатилади. Табиий ёруғлик бинога жанубий дераза орқали таъминланади. Нур қабул қилгичнинг майдони  $F_{cn}=b_c h_c$ . 3 рефлекторли тизимга мос равишда нур қабул қилгичнинг эквивалент майдони қуйидагини ташкил қилади  $F_{cn3}=3F_{cn}=5,07 \text{ м}^2$ . Бинонинг майдони эса  $F_{3d}=12,42 \text{ м}^2$ . Қуёш қурилмалари билан таъминланганлик коэффиценти  $K_{ск}=40,8\%$ .

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, пластик бутилка (ПБ)лардан иссиқлик жамлагич (ИЖ) сифатида фойдаланганда шахматли жойлаштиришда концентрация коридорли жойлаштиришга қараганда 15...16 % кўпроқ бўлар экан.  $\Delta l=0$  бўлганда эса максимал концентрация кузатилар экан. ПБ насадқасининг гранулалари ва гидродинамик кўрсаткичларининг ўзгариши ПБ сифими ва ИЖда ҳаво оқими тезлигининг ўзгаришига кўра аниқланади. Ҳисоблаш учун қуйидаги параметрлар қабул қилинади: ИЖнинг кўндаланг кесим юзи  $F_a=1,35 \times 1,55 \text{ м}^2$ ; ҳаво сарфи  $G=0,06...0,26 \text{ м}^3/\text{с}$  ёки тезлиги  $w=0,028...0,124 \text{ м}/\text{с}$ . Бундан қуйидаги хулоса қилиш мумкин: насадқа қаватида ПБнинг сифимини ва ҳаво оқимининг тезлигини оширсак: а) насадқа қаватида гидравлик қаршилик ошади, б) қаватдаги сувнинг массаси ошади, иссиқликни жамлаш интенсивлиги ўсади. Тадқиқот қилинадиган «бино + рефлекторлар» тизими учун ПБлар асосидаги сувли ИЖли ҳаволи қуёш иситиш тизими ишлаб чиқилди (3, 4 - расмлар).


Бинога иссиқлик тушиши нур қабул қилгич, дераза ва иситиш тизими орқали тушадиган қуёш радиацияси ҳисобига амалга ошади. Қуёш иситиш тизимининг иш режими бинонинг иссиқлик юкламасига ва тушадиган қуёш радиацияси миқдорида боғлиқ. ИЖнинг солиштирма массаси ва ҳажми  $1 \text{ м}^2$  нур қабул қилгичдан ўтадиган, иситишда иссиқлик юкламасининг қанча қисмини қуёш энергияси ҳисобидан қоплаш мумкинлигини кўрсатадиган катталиқ  $f$  – қоплаш коэффиценти билан аниқланади. Қоплаш коэффиценти қуёш нурланиши ҳисобига, сарфланадиган анъанавий иссиқлик миқдорининг камайишини фоизда кўрсатади.

Нур қабул қилгичнинг майдони қуйидагини ташкил қилади:

$$F_{cn} = b_{cn} h_{cn} = 1,3 \times 1,3 = 1,69 \text{ м}^2 . \quad (3)$$


Шундай қилиб нур қабул қилгичга 3 рефлекторли тизимдан қуёш радиацияси тушади ва шаффоф юзанинг эквивалент ҳисобий майдонини қуйидагича қабул қилиш мумкин:

$$F_{3o} = 3F_{cn} = 3 \times 1,69 = 5,07 \text{ м}^2 . \quad (4)$$



а - пландаги кўриниши; б – ИЖ текислигининг кўндаланг кесими

**3-расм. Қуёш иситиш тизими схемаси**



1, 1л, 1п – рефлекторлар; 2–шимолий нур қабул қилгич; 3–ҚК ҳаво қиздиргич; 3а – иссиқлик қабул қилгич; 5 ва 5b – жанубий деразалар; 5а ва 5с – иситиш каналлари; 8ва 12 – тажриба ва назорат хоналари; 9 – тамбур; 10ва 11– ички ва ташқи эшиклар; 13 – ИЖ биноси; 14 – ҳаво ўтказгич канал; 14а – кириш канали; 15 ва 15а – тескари тортиш каналлари; 16 – иссиқлик жамлаш элементлари; 17 – вентилятор; 18 – қўшимча иссиқлик манбаи – калорифер; 19 – ИЖ иситиш каналлари; 20 – иссиқлик изоляцияси; 21 – ИЖ биноси эшиги;  $S_1, S_2, S_3$  - шиберлар

**4-расм. Қуёш иситиш тизими схемасининг фронтал кўриниши**

ИЖнинг солиштирма массаси  $m_{al}$  ва ҳажми  $V_{al}$  қуйидаги формула билан аниқланади:

$$m_{al} = C_m f; \quad V_{al} = C_V f; \quad (5)$$

бу ерда  $C_m$  –ИЖнинг  $1 \text{ м}^2$  шиша юзага тўғри келган солиштирма массаси,  $\text{кг}/(\% \text{ м}^2)$ ;  $C_V$  - ИЖнинг  $1 \text{ м}^2$  шиша юзага тўғри келган солиштирма ҳажми,  $\text{м}^3/(\% \text{ м}^2)$ .  $C_m$  ва  $C_V$ ларнинг қиймати иссиқлик жамловчи материалларга боғлиқ. Масалан, сувли сиғим учун<sup>4</sup>

$$C_m = 3 \text{ кг}/(\% \text{ м}^2); \quad C_V = 0,003 \text{ м}^3/(\% \text{ м}^2); \quad (6a)$$

бетон ва тош учун

$$C_m = 15 \text{ кг}/(\% \text{ м}^2); \quad C_V = 0,075 \text{ м}^3/(\% \text{ м}^2). \quad (6б)$$

(6а) ва (6б) лардан кўринадикки, бир хил ҳажмдаги ИЖларда сувли жамлагичнинг массаси бетон ИЖдан 5 марта кам экан. Кўрилаётган бино

<sup>4</sup> Масса и место размещения теплоаккумулятора. Построй свой дом. mensh.ru, 2006. – 3 с.]

учун  $f=50\%$  деб қабул қиламиз. Унда ИЖнинг умумий массаси қуйидагини ташкил қилади:

$$m_a = m_{a1} F_o = C_m f F_o = 3 \times 50 \times 5,07 = 760 \text{ кг.} \quad (7)$$

Иссиқлик жамлаш элементлари сифатида сиғими 1,5 литрга тенг бўлган ПБлардан фойдаланилади. Улар сувга тўлдирилиб панжара – стеллажга 4 қатор қилиб жойлаштирилади. Сиғими  $V_{n\bar{o}}=1,5$  литрга тенг бўлган ПБлар сонини аниқлаймиз. Сув учун масса ва сиғим эквивалентлигини қуйидагича қабул қилиш мумкин  $V_{n\bar{o}}=1,5 \text{ л} = m_{n\bar{o}}=1,5 \text{ кг}$ .

Талаб қилинган ПБлар сони

$$n_{n\bar{o}} = m_a / m_{n\bar{o}} = 760 / 1,5 = 507 \text{ дона} \quad (8)$$

ИЖ биноси майдони қуйидагича

$$F_a = b_a h_a = 1,55 \times 1,35 = 2,1 \text{ м}^2.$$

Стеллажда ПБлар 4 қатор қилиб жойлаштирилади, ҳар бир қаторда

$$n_{n\bar{o}1} = n_{n\bar{o}} / 4 = 507 / 4 = 126 \text{ дона} \quad (9)$$

Сиғими  $V_{n\bar{o}}=1,5$  литр бўлган ПБнинг диаметри  $d_{n\bar{o}} = 0,094$  метрга тенг. 1 та ПБнинг горизонтал жойлашишида эгаллаган майдони қуйидагича

$$F_{n\bar{o}1} = F_a / n_{n\bar{o}1} = 2,1 / 127 = 0,0165 \text{ м}^2.$$

Баландлиги эса

$$a_{я} = \sqrt{F_{n\bar{o}1}} = \sqrt{0,0165} = 0,128 \text{ м.}$$

ПБ лар коридорсимон жойлашишида ораларидаги масофа

$$\Delta l = a_{я} - d_{n\bar{o}} = 0,128 - 0,094 = 0,034 \text{ м.}$$

ПБ баландлиги  $h_{n\bar{o}}=0,32$  м; стеллаж қалинлиги  $\delta_{cm}=0,05$  м. унда ҳар бир ПБ қавати орасидаги стеллаж қалинлигини ҳисобга олганда

$$h_c = h_{n\bar{o}} + \delta_{cm} = 0,32 + 0,05 = 0,37 \text{ м.} \quad (10)$$

ИЖнинг умумий баландлиги

$$H_a = 4 h_c = 4 \times 0,37 = 1,48 \text{ м.} \quad (11)$$

ИЖнинг иссиқлик самарадорлиги ПБларнинг гранулалари характеристикалари асосида ўрнатилган иссиқлик ва гидродинамик кўрсаткичлари орқали аниқланди. ИЖда йиғинди босим тушувини аниқлаш учун

$$\Delta P_{am} = 4 \Delta P_c. \quad (12)$$

формула келтирилди, қуввати 2 кВт бўлган қўшимча иссиқлик манбаи - калорифер ҳам маҳаллий қаршилик сифатида қаралади. Калорифернинг маҳаллий қаршилиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$\Delta P = B_k (w_k \rho)^m; \quad (13)$$

бу ерда  $B_k$  ва  $m$  – калорифер конструкциясига боғлиқ коэффициент ва даража кўрсаткичи;  $w_k$  – калорифер кесимидан ўтадиган ҳаво тезлиги, м/с.

Вентиляторнинг ўрнатилган қуввати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$N_y = K \frac{\Sigma \Delta P \cdot G}{\eta \cdot 1000}, \text{ кВт}; \quad (14)$$

бу ерда  $K$  – захира коэффициенти;  $\Sigma \Delta P$  – тизимда йиғинди босим тушуви, Па;  $\eta$  – Вентиляторнинг ФИК. Ўқий вентилятор учун захира коэффициенти қуйидагича қабул қилинган  $K=1,05 \dots 1,2$ . Электродвигател  $50^\circ\text{C}$  гача бўлган ҳароратда ишлаганда захира коэффициенти  $K=1,4$  гача кўтарилади. Вентиляторнинг ФИК  $\eta=0,8$  га тенг бўлади.

Ҳисоблаш учун қуёш иситиш тизимида биринчи яқинлашишда ҳаво сарфини  $G=0,015 \dots 0,065 \text{ м}^3/(\text{м}^2\text{с})$  га тенг деб қабул қиламиз. Бунда ҚКнинг эквивалент майдони  $F=5,07 \text{ м}^2$ , қуёш иситиш тизимида ҳаво сарфининг йиғинди миқдори  $G=0,06 \dots 0,26 \text{ м}^3/\text{с}$  ни ташкил қилади.

Диссертациянинг «**Ясси рефлекторли ва сувли иссиқлик жамлагичли қуёш иситиш тизимини экспериментал тадқиқот қилиш**» мавзусидаги тўртинчи бобида қуёш коллектори-иссиқлик жамлагич (ҚК-ИЖ) тизимининг иссиқлик баланси динамик режимининг математик моделини назарий ўрганиш натижалари келтирилган. Иссиқлик қабул қилгичда ютиладиган қуёш нурланиш энергияси, ҚКнинг фойдали иш коэффициенти, ИЖнинг иссиқлик баланс тенгламалари келтирилди. Ҳавонинг иссиқликни жамлаш элементларини айланиб ўтишида эътиборга олмаса ҳам бўладиган даражада кичик термик қаршилиги ҳосил бўлишида Био сонидан фойдаланилди:

$$Bi = \frac{\alpha_n \cdot L_o}{\lambda_3} < 0,1; \quad (15)$$

Формулада иссиқлик ўтказувчанликнинг самарадорлик коэффициенти  $\lambda_3$  дан фойдаланилган. Иссиқлик ўтказувчанликнинг самарадорлик ва конвекция коэффициентлари қуйидагича аниқланди:

$$\lambda_3 = \varepsilon_k \lambda_6; \quad (16)$$

$$\varepsilon_k = 0,062 Ra^{1/3}; \quad 10^4 < Ra < 10^7; \quad \varepsilon_k = 0,22 Ra^{1/4}; \quad 10^7 < Ra < 10^{10}; \quad (17)$$

$$Ra = Gr Pr = \frac{g \cdot \beta_6 \cdot L_o^3 \cdot \Delta t_n}{\nu_6^2} Pr; \quad (17a)$$

бу ерда  $\Delta t_n$  – идиш девори ва унинг ўрта қисми орасидаги ҳарорат тушиши,  $^\circ\text{C}$ ;  $\beta_6$  – сувнинг ҳажмий кенгайиш температура коэффициенти,  $\text{K}^{-1}$ . Вертикал цилиндрда иссиқлик алмашиш қуйидагича аниқланиши мумкин:


$$Nu = 0,52 Ra^{1/4}; \quad 10^6 < Ra < 10^{10}; \quad Pr > 0,5. \quad (18)$$

5-ва 6- расмларда Релей сонининг ва конвекция коэффициентининг насадкадаги сувнинг ҳароратига боғлиқлиги келтирилган. Ҳисобий


тадқиқотларнинг кўрсатишича, қабул қилинган ПБ  $V_{нб}=1,5$  л учун насадкадаги сувнинг ҳароратининг ўзгариш интервали  $t_n=20...40^{\circ}\text{C}$ , Био сони  $Bi=0,1046$  ни ташкил этади.

Аппроксимация усули билан олинган (17а) ифодани ПБ учун қўлласак:  

$$\alpha_v = 905 (G / L_o)^{0,7}. \quad (19)$$



1 -  $\Delta t_n=0,5^{\circ}\text{C}$ ; 2 -  $\Delta t_n=1^{\circ}\text{C}$ ; 3 -  $\Delta t_n=1,5^{\circ}\text{C}$   
**5-расм. Релей сони  $Ra$  нинг насадкадаги сувнинг ҳароратига боғлиқлиги  $t_n$**



1 -  $\Delta t_n=0,5^{\circ}\text{C}$ ; 2 -  $\Delta t_n=1^{\circ}\text{C}$ ; 3 -  $\Delta t_n=1,5^{\circ}\text{C}$   
**6-расм. Конвекция коэффициенти  $\epsilon_k$  нинг насадкадаги сувнинг ҳароратига боғлиқлиги  $t_n$**

Маълумотларда<sup>5</sup> ПБни узок муддат эксплуатация қилишда чегаравий ҳарорат  $70^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қилиши, санитар-гигиеник талаб бўйича иссиқлик қувури орқали кирадиган ҳаво ҳарорати  $40^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги кераклиги тушунтирилган. Иситиш мавсумида ҚҚдан ИЖга тушадиган ҳавонинг максимал ҳарорати  $t_{БК}=66^{\circ}\text{C}$  дан, ИЖдан иситиладиган бинога кирадиган ҳавонинг ҳарорати эса  $t_{аК}=38^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги келтирилди.

Иситиладиган бинога кирадиган ҳавонинг минимал ҳарорати  $22^{\circ}\text{C}$  ва бунда ҚҚ-ИЖ тизимидаги ҳарорат интервали  $22...70^{\circ}\text{C}$  ни, ИЖнинг ҳисобий қуввати  $Q_a^p=43$  Мж/кун ни ташкил этади. Бунча микдордаги иссиқликни жамлаш учун ИЖдаги сувнинг ҳароратини қуйидаги қийматга ошириш зарур бўлади:

$$\Delta t_n = Q_a^p / (m_a c_v) = 43 \times 10^6 / (4174 \times 760) = 13,5 ^{\circ}\text{C}.$$

Олинган тажриба натижалари асосида маълум бўлдики, ҚҚдан ИЖга тушадиган ҳавонинг ҳароратининг максимал қиймати туш вақтида  $87...90\%$  ни ташкил қилади, ундан кейинги соатларда жамлаш самарадорлиги пасайиб боради. ҚҚнинг самарадорлик коэффициенти  $K_3=0,5...0,56$  интервалда ўзгаради. Иситиш мавсумида ҚҚнинг ўртача самарадорлик коэффициенти  $K_3=52\%$  ни ташкил этади. ҚҚнинг ФИК иситиш мавсумида  $\eta_{СК}=69...37\%$ , ўртача қиймати  $\eta_{СК}=59\%$  ни ташкил этади.

ИЖнинг ФИК иситиш мавсумида ўртача қиймати  $\eta_a=88\%$  га тенг. Қўшимча иситишда ёқилғи сарфи

<sup>5</sup>Гальченко А. Ударопрочный антивандалный листовый материал полиэтиленерефталат. Гельветика –Т. webmaster@helvetica – t/tu, 2008.-4 с., Полиэтиленерефталат. Материал из Википедии. <http://wikipedia.org/wiki>, 2007. -4 с. Богословский В.Н. Отопление и вентиляция. –М.: Стройиздат. 1980. -295 с

$$B_{\partial} = Q_{om} K_{zm} / (Q_m^n \eta_k); \quad (20)$$

бу ерда  $K_{zm}$  – ёқилғининг запас коэффициентини ва 1,1...1,2 га тенг;  $Q_m^n$  – ёқилғининг паст ёниш иссиқлиги, кЖ/м<sup>3</sup>;  $\eta_k$  – иситиш қурилмасининг ФИК, газ ёқилғиси учун 0,8 га тенг.

Қуёш иситиш ҳисобига ёқилғи иқтисоди қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$B_{\partial} = B_{mn} - B_{\partial}; \quad (21)$$

бу ерда  $B_{mn}$  – иссиқлик йўқотилиши ҳисобига ёқилғи сарфи, м<sup>3</sup>.

1-жадвал.

### Ўртача ойлик ёқилғи иқтисоди ва сарфи (табiiй газ)

Ойлар	X	XI	XII	I	II	III	IV
$B_{mn}, \text{м}^3/\text{мес}$	62	118,5	162,7	198,4	137,8	110,7	45,6
$B_{\partial}, \text{м}^3/\text{мес}$		66	106,6	133,6	75,9	49,6	
$B_{\partial}, \text{м}^3/\text{мес}$	62	52,5	56,1	64,8	61,9	58,1	45,6
$B_{\partial}, \%$	100	44,3	34,5	32,7	44,9	52,4	100

Иситиш мавсумида тадқиқот биносиди жами 401 м<sup>3</sup>/йил табиий газ тежаллади ёки бу 58% ёқилғи иқтисодини таъминлайди. Тизимда ҳаво сарфи  $G=0,17 \text{ м}^3/\text{сек} = 612 \text{ м}^3/\text{соат}$ , босим йўқотилиши  $\Sigma \Delta P=110 \text{ Па}$ , вентилятор электродвигателининг ўрнатилган қуввати  $N_y=0,118 \text{ кВт}$ ни ташкил этади. Ўқли ВО 4М 300-220/50 маркали вентиляторни қабул қиламиз: ишлаб чиқарувчанлиги  $G=300...1650 \text{ м}^3/\text{соат}$ , тўла босим ҳосил қилиши  $\Delta P=110 \text{ Па}$ , айланиш частотаси  $n=1340 \text{ айл/мин}$ , тезликни бошқариш двигателининг қуввати  $N=0,12 \text{ кВт}$ . Вентиляциялаш жараёнида электр энергия сарфи иситиш мавсумида  $W_{\partial}=490 \text{ кВт}\cdot\text{соат/йил}$ ни ёки 1764 Мж/йилни ташкил этади.

Рефлекторларнинг эксергетик самарадорлиги  $\eta_e$  қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\eta_e = E_{nl} / E_{n\partial} = E_{np} / E_{n\partial}. \quad (22)$$

$$E_{np} = S_{np} \eta_m. \quad (23)$$

$$S_{np} = S_{\perp} F_{cn} K R; \quad (24)$$

Карнонинг қайтариш циклининг  $T_m$  ва  $T_o$  интервалида фойдали иссиқлик коэффициентини

$$\eta_m = \frac{T_m - T_o}{T_m}; \quad (25)$$

$$E_{n\partial} = S_{n\partial} \psi. \quad (26)$$




$$S_{n\delta} = S_{\perp} F_p \cos i ; \quad (27)$$

Атроф-муҳит ҳароратининг қуёш нурланиши эксергиясига боғлиқлик коэффициентини:

$$\psi = 1 - \frac{1}{3} \frac{T_o}{T} \left[ 4 - \left( \frac{T_o}{T} \right)^3 \right]; \quad (28)$$

Бу ерда  $T = 5762 \text{ К}$  – Қуёш фотосфераси сиртининг эффектив ҳарорати.

$T_m$  ва  $T_o$  нинг келтирилган қийматларида иссиқлик фойдали иш коэффициентини  $\eta_m = 0,0356 \dots 0,0564$ , атроф-муҳит ҳароратининг қуёш нурланиш эксергиясига боғлиқлик коэффициентини  $\psi = 0,934 \dots 0,936$  интервалда ўзгаради. 7-расмда ясси қуёш рефлекторларининг эксергетик самарадорлигининг кунлик ўзгариши келтирилган. Эксергетик Ф.И.К.  $\eta_e = 2,8 \dots 5,4 \%$  ораликда ўзгаради.



7-расм. Ясси қуёш рефлекторларининг эксергетик самарадорлиги  $\eta_e, \%$

Диссертациянинг иловаларида тажриба ва тадқиқот натижаларини ўлчаш ва ҳисоблаш хатоликларини баҳолаш, қуёш коллектори ва иссиқлик жамлаш тизимида ҳаво оқимининг тезлигини ўлчаш, иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаш, иссиқлик оқимини аниқлаш, Нуссельт сонини аниқлаш хатоликлари келтирилган.

## ХУЛОСА

Диссертацияда қўйилган масалаларни ҳал қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим қилинмоқда:

1. «Ясси қуёш рефлекторлари – вертикал нур қабул қилгич» тизимининг мақбул параметрлари, радиация ва иссиқлик самарадорлик кўрсаткичлари уларнинг бинога нисбатан сояланишига боғлиқ ҳолда аниқланган. Натижада, бинонинг тенг майдонли юзаларга эга жанубий нур қабул қилгичга нисбатан шимолий нур қабул қилгич орқали 2,58...3,39 марта кўп қуёш нурланиши кириши исботланган.

2. Қарши шаҳри иқлим шароитида, иситиш мавсумида, қуёш нурлари билан таъминланганлик коэффициенти 40,8% бўлган тажриба биноси «Ясси қуёш рефлекторлари – вертикал нур қабул қилгич» тизимининг иссиқлик баланси ўрнатилган. Натижада, қуёш радиацияси минимал тушиш

даври(декабр ойи)да иссиқлик қоплаш коэффициенти  $f=36...38\%$  ни, ташқи ҳаво ҳарорати минимал даражада бўлган(январ ойи)да  $f=33...35\%$  ни ташкил этиши ва иситиш мавсумида қаралаётган тизим учун ўртача иссиқлик қоплаш коэффициенти  $f=53,6\%$  га тенг бўлиши аниқланган.

3. Инсоляцион қуёш иситиш таъминотида иссиқликни жамловчи элементлар сифатида пластик бутилкалардан фойдаланиш натижасида юқори иссиқлик сиғимли, катта иссиқлик алмашиш юзали ва турли компоновкали донадор насадкалар билан мужассамлашган исталган сиғим ва конфигурациядаги сувли иссиқлик жамлагичларни яратиш имконини бериши асосланган.

4. Синхрон айланувчи ясси қуёш нурланиш рефлекторлари ва қисқа муддатли иссиқлик жамловчи қурилмаларга эга бўлган инсоляцион иситиш тизимларини иссиқлик ва гидродинамик ҳисоблаш услубиёти ишлаб чиқилган, бунда ҳаво сарфининг  $G=0,06...0,26$  м<sup>3</sup>/с интервалида қуёш иситиш тизими элементларида ҳаво оқими оқишининг режими ва гидродинамик кўрсаткичлари аниқланган. Натижада, иситиш мавсуми учун максимал қоплаш коэффициенти  $f=50\%$  ва қуёш қурилмалари билан таъминлаш коэффициенти  $K_{ск}=40,8\%$  га тенг ҳолатда зарур бўлган иссиқлик жамлагичнинг массаси  $m_a=760$  кг ни ташкил қилиши ва мос равишда сиғими  $V_{нб}=1,5$  л бўлган пластик бутилкалардан  $n_{нб}=507$  дона керак бўлиши аниқланган.

5. Таклиф этилаётган тизимда қўшимча иситиш учун ўртача ойлик ёқилғи (табiiй газ) сарфи ҳамда қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига иқтисод қилинадиган ёқилғи миқдори аниқланган. Натижада, табiiй газнинг йиллик иқтисоди  $401$  м<sup>3</sup>/йилни ташкил қилиши, бу эса мос равишда  $58\%$  ёқилғи иқтисод қилинишига тўғри келиши асосланган. Шунингдек, шамоллатиш учун бир мавсумда  $W_e=490$  кВт·с/йил ёки  $1764$  Мж/йил электр энергияси сарфи юзага келиши, бу эса қуёш энергияси ва қўшимча энергиянинг  $9,3\%$  ни ташкил этиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РbD.03/30.09.2020.Т.111.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ИМОМОВ ШУХРАТ БОЙМАМАТОВИЧ**

**ИНСОЛЯЦИОННЫЕ СИСТЕМЫ ОТОПЛЕНИЯ С СИНХРОННО  
ВРАЩАЮЩИМИСЯ ПЛОСКИМИ РЕФЛЕКТОРАМИ СОЛНЕЧНОГО  
ИЗЛУЧЕНИЯ И КРАТКОСРОЧНЫМИ АККУМУЛЯТОРАМИ ТЕПЛА**

**05.05.06 - Энергоустановки на основе возобновляемых видов энергии**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Карши– 2021**

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 28.04.2016/B2016.2.T679.

Диссертация выполнена в Физико-техническом институте НПО «Физика-Солнце» АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.qmii.uz](http://www.qmii.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:	<b>Авезов Раббанакул Рахманович</b> доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	<b>Рахимов Рустам Хакимович</b> доктор технических наук <b>Садуллаев Насулю Нейматович</b> доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	<b>Международный институт солнечной энергии АН Руз</b>

Защита диссертации состоится «25» июня 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.09.2020.T.111.03 при Каршинском инженерно-экономическом институте (Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, дом 225. Тел: (+99875) 224-02-89, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: [kiei\\_info@edu.uz](mailto:kiei_info@edu.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (зарегистрирована за № 7). (Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, дом 225. Тел: (99875) 224-02-89, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: [kiei\\_info@edu.uz](mailto:kiei_info@edu.uz).)

Автореферат диссертации разослан «9» июня 2021 г.  
(реестр протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от «  » июня 2021 г.)



 **Г.Н.Узаков**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

 **Х.А.Давлонов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.т.н (PhD)

 **Б.Уришев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире использование энерго- и ресурсосберегающих возобновляемых источников энергии в системах теплоснабжения жилых домов с применением возобновляемых источников энергии занимает одно из ведущих мест. «Учитывая необходимость увеличения доли возобновляемых источников энергии в мировом производстве энергии не менее чем на 20%»<sup>1</sup>, требуется внедрение инсоляционных пассивных солнечных отопительных установок, которые позволяют сэкономить топливно-энергетические ресурсы в системах отопления зданий. В связи с этим использование синхронно вращающихся плоских солнечных рефлекторов и аккумуляторов тепла в системах отопления зданий имеет важное значение.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по разработке научно-технической основы для усовершенствования пассивных и активных систем солнечного отопления зданий и сооружений. В связи с этим, особое внимание уделяется созданию инсоляционных систем отопления с плоскими рефлекторами солнечного излучения и краткосрочными аккумуляторами тепла, обоснованию теплотехнических и гидродинамических параметров.

В республике принимаются широкомасштабные меры по снижению энергозатрат в системах теплоснабжения зданий и сооружений, экономии топливных ресурсов, внедрению всесторонних мер по налаживанию устойчивого теплоснабжения на основе применения высокопроизводительных плоских солнечных рефлекторов и краткосрочных аккумуляторов тепла и получены конкретные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи среди которых «...снижение ресурсной и энергоемкости экономики, внедрение энергосберегающих технологий в производство, расширение использования возобновляемых источников энергии...»<sup>2</sup>. Реализация этих задач, включает разработку научно-технических решений по созданию инсоляционных систем отопления с плоскими солнечными рефлекторами и тепловыми аккумуляторами, при этом особенно важно обоснование их параметров, обеспечивающих экономию энергии и ресурсов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3012 от 26 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной

---

<sup>1</sup><https://ec.europa.eu/programmes/horizon2020/>

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

сферы на 2017-2021 годы» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой области.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники IV. «Разработка методов использования возобновляемых источников энергии, создание устройств и технологий на основе нанотехнологий, фотоники и других современных передовых технологий».

**Степень изученности проблемы.** В решении вопросов использования в установках и системах теплоснабжения зданий альтернативных источников энергии разработкой и исследованиями систем солнечного отопления, занимались зарубежные ученые Ф.У. Хатчинсон, Э. Мазрия, Б. Андерсон (США), Р.В. Байрамов, К. Тойлиев (Туркменистан), М. Аширбаев (Казахстан), А. Дэвис, С.В. Зоколей, Р. Шуберт, О.С. Попель (Россия), П. Сабади (Англия), С.Танака, Р. Суда (Япония).

В республике исследования по разработке и совершенствованию инсоляционных отопительных систем на основе использования солнечной энергии проводились такими учеными, как: Захидов Р.А., Аvezов Р.Р., Кличев Ш.И., Абдурахмонов А., Аvezова Н.Р., Хайридинов Б.Э. и другие.

Хотя солнечные установки на основе возобновляемых источников энергии, разработанные в результате этих исследований, в некоторой степени используются в системах теплоснабжения, однако исследований по обоснованию параметров инсоляционных систем отопления с плоскими солнечными рефлекторами и краткосрочными аккумуляторами тепла было проведено недостаточно.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом НИР Физико-технического института в рамках фундаментального проекта №2Ф.3.2-«Теплопередача через частично поглощающие светопрозрачные ограждения и температурное поле в инсоляционных системах отопления зданий».

**Целью исследований** является определение эффективности использования инсоляционных систем солнечного отопления с синхронно вращающимися плоскими рефлекторами.

**Задачи исследования:**

исследование режима затенения системы плоских солнечных рефлекторов, установленных с северной стороны здания;

определение тепловой эффективности инсоляционной отопительной системы «плоские солнечные рефлекторы - вертикальный светоприемник», установленной на северной стороне здания;

исследование гранулометрических и гидродинамических свойств краткосрочных аккумуляторов тепла;

исследование теплового режима здания, отапливаемого с использованием инсоляционной системы с плоскими солнечными рефлекторами, установленными с северной стороны здания.

